


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ БД-5231300-3.12

2012 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2012 йил 14 мартдаги
107 – сонли буйруғи билан
тасдиқланган.



Ш. Содиқов

“ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР”

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук.

Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод.

Таълим йўналиши: 5231300 – Пенсия иши.

Тошкент – 2012

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими
йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг
2012 йил 6 мартдаги 1-сон мажлис баёни
билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Ҳамдамов Ш.К. – ТМИ, “Ғазначилик иши” кафедраси, катта ўқитувчи
Ҳайдаров А. – ТМИ, “Ғазначилик иши” кафедраси, катта ўқитувчи

Тақризчилар:

- Ташматов Ш.А. – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, “Молия” кафедраси мудири, и.ф.д. (турдош ОТМ)
Мансуров Ш. – Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директори ўринбосари (кадрлар буюртмачиси)

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институти Илмий-услубий
Кенгашида муҳокама этилган ва тавсия қилинган.
2011 йил 26 октябрь, 2-сонли баённома.

Кириш

Мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг марказида инсон омили ва у билан боғлиқ ижтимоий сиёсат масаласи туради. Ижтимоий қафолатларни таъминлаш ва бу борадаги зиддиятларни бартараф этишда давлат ижтимоий таъминоти ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган пенсия таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларни тўлашнинг ташкилий асосларини мустахкамлаш, қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, иқтисодий асосларини барқарорлаштиришнинг зарурлиги давлат ижтимоий сиёсати олдига ҳам улкан вазифалар қўймоқда.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларга давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бугунги босқичида давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалари бўйича асосий билимларни шакллантириш ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат. Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалари назарияси ва амалиётига тегишли билим, уқув ва кўникмаларга эга бўлишади. Талабалар давлат ижтимоий сиёсати ва нафақаларни тайинлашга оид қонунчиликдаги янгиликлардан, уни ташкил этиш амалиётидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишади.

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанини ўқитиш қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

- Давлат пенсияларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳиятини ўрганиш;
- Давлат пенсияларининг турлари ва таркибини ўрганиш;
- Ижтимоий нафақалар тизими ва уларнинг ташкилий, қонуний-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Ижтимоий нафақалар ва давлат пенсияларининг молиявий асосларини ўрганиш

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фани “Молия”, “Иқтисодий назария”, “Давлат бюджети”, “Ғазначилик” каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида кўл келади. Ўқув режасига мувофиқ, мазкур фанни ўзлаштириш учун маъруза машғулоти ва амалий машғулоти ўқитишнинг интерактив услублари ва воситалари ёрдамида олиб борилади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талабалар:

- Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизими ва давлат пенсиялари ҳақида;
- Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларнинг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари;
- пенсияларнинг турлари ва уларни ҳисоблаш усуллари;
- пенсия таъминоти юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларнинг ҳуқуқий асослари таҳлилини;
- давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларни тайинланишнинг асосий сабабларини;
- пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалар билан таъминлашни ташкил этиш принципларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- давлат пенсияларини ҳисоблаш ва уларни тайинлаш;
- давлат ижтимоий нафақаларини ҳисоблаш ва уларни тайинланиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвий кетма-кетлиги

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий фанлар (олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, математик программалаштириш, информатика ва ахборот технологиялар, иқтисодий география ва экология), умумқасбий фанлар (иқтисодий таълимотлар тарихи, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, менежмент ва маркетинг асослари, миллий ва жаҳон иқтисодиёти, молиявий ва бошқарув ҳисоби, аудит, молиявий ва бошқарув таҳлили, статистика, молиявий менежмент, пул, кредит ва банклар, солиқ ва солиққа тортиш, суғурта иши, молия бозори ва қимматли қоғозлар, инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш) ва ихтисослик (молия, давлат бюджети, ғазначилик) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалари таъминоти меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг муҳим бўғини бўлиб, унинг муваффақиятли ташкил этилиши

ижтимоий сиёсат самарадорлигининг асосини ташкил этади. Меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги самарали сиёсатни рўёбга чиқаришни янада такомиллаштириш мақсадида мамлакат пенсия таъминоти ҳам туб ислохотларга тортилган. Жаҳон андозалари ва халқаро амалиётнинг янги қатъий талаблари ва мезонлари асосида давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалари таъминотини қайта кўриб чиқиш, унинг ташкил этиш асосларини ислох қилиш давлат ижтимоий сиёсатини бошқариш тизими олдига ҳам улкан вазифалар кўяди.

Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалари таъминотини самарали бошқариш ва тартибга солишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, ҳар бир даврнинг устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий тараққиёт вазифаларини муваффақиятли бажаришда давлатнинг бошқа иқтисодий инструментлари катори, давлат пенсия таъминоти ҳам муҳим аҳамият касб этади ва тегишли тарзда нафақат айрим жорий, оператив, балки шу билан бирга комплекс ва стратегик вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларларнинг “Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанини ўзлаштиришлари учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, мультимедия материаллари ҳамда пенсия таъминоти амалиётидаги расмий ҳужжатлар ва ҳисоботлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишда илғор педагогик технологиялардан: ақлий ҳужум, ситуацион вазифаларни ечиш, кичик гуруҳларда топшириқлар бажариш, амалий иш ўйинларидан фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни аҳамияти ва асосий йўналишлари. Давлат пенсияларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат пенсиялари ва нафақаларини тўловчи жамғарма сифатида. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари; Ёшга дори пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби; Ногиронлик нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби; Боқувчисини йўқотганлик учун нафақалар ва уларнинг тайинланиши; Кам таъминланган оилаларга нафақалар ва уларнинг тўланиши.

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанининг аҳамияти. Фаннинг предмети, асосий мазмуни ва вазифалари. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги

Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни аҳамияти ва асосий йўналишлари

Давлатнинг ижтимоий сиёсатининг аҳамияти ва вазифалари. Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишлари. Давлат ижтимоий сиёсатининг мақсади. Давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг асосий шакллари.

Давлат пенсияларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Давлат пенсияларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва вазифалари. Давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишда пенсия таъминотининг ўрни. Давлат пенсиялари, уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат пенсиялари ва нафақаларини тўловчи жамғарма сифатида

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг моҳияти ва зарурлиги. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг таркибий тузилиши. Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари.

Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари

Пенсия жамғармасининг даромадлари, уларнинг таркиби, шаклланиш механизми. Пенсия жамғармаси харажатлари таркиби. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида Пенсия жамғармаси харажатларини оптималлаштириш. Пенсия жамғармасининг молия бозоридаги иштироки.

Ёшга дори пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ёшга доир пенсияни олиш ҳуқуқи. Иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолда пенсияларни тўлаш. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияларни тўлаш. Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш ва тўлаш тартиби.

Ногиронлик пенсияларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ногиронлик пенсияларини тайинлаш тартиби ва шартлари. Ногиронлик гуруҳлари ва уни аниқлаш тартиби. Ногиронлик пенсияларини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи. Иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолда ногиронлик пенсиларини тайинлаш тартиби.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Боқувчисини йўқотганлиги учун тайинланадиган пенсияларни олиш ҳуқуқи бериладиган оила аъзолари. Қарамоғда деб ҳисобланувчи оила аъзолари. Боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи. Иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолда пенсияларни тайинлаш. Янги нигоҳдан ўтилганда пенсияларни сақлаб қолиш. Боқувчининг оила аъзоларига пенсиядан улуш ажратиб бериш тартиби.

Кам таъминланган оилалар учун ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартиби.

Кам таъминланган оилалар учун тайинланадиган нафақанинг аҳамияти ва унда мурожат этиш тартиби. Нафақани тайинлашнинг мезонлари. Нафақа миқдори ва тайинлаш муддати. Нафақаларни тўлаш тартиби.

Болали оилалар учун тайинланадиган ижтимоий нафақалар ва уларни тўлаш тартиби.

Болали оилалар учун тайинланадиган нафақаларнинг турлари. Икки ёшгача боласи бўлган оналар учун тайинланадиган нафақалар, уларнинг аҳамияти ва мурожат этиш тартиби. Икки ёшгача боласи бўлган оналар учун тайинланадиган нафақаларни ҳисоблаш тарби ва унинг мезонлари. Нафақанинг миқдори ва тайинланиш даври. Вояга етмаган болали оилалар учун тайинланадиган нафақанинг аҳамияти ва унга мурожат этиш тартиби. Нафақани ҳисоблаш ва тайинлаш даври, миқдори. Болали оилалар учун тайинланадиган нафақаларни тўлаш тартиби.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Амалий машғулотлари мавзулари:

1. Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни аҳамияти ва асосий йўналишлари
2. Давлат пенсияларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат пенсиялари ва нафақаларини тўловчи жамғарма сифатида
4. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари
5. Ёшга дори пенсияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби
6. Ногиронлик пенсияларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби
7. Боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
8. Кам таъминланган оилалар учун ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартиби
9. Болали оилалар учун тайинланадиган ижтимоий нафақалар ва уларни тўлаш тартиби

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, чоп этишга тайёрланган илмий мақолалар ва тезисларни муҳокама қилиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, тавсия этилган муаммоли мавзуларни кичик гуруҳларда муҳокама қилиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Курс иши лойиҳасини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Курс ишларини бажариш талабаларда фаннинг назарияси ва амалиёти бўйича тегишли билимларни мустаҳкамлаш, давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларини тайинлаш услугиёти бўйича кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Курс ишида давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақаларининг тегишли муаммоси бўйича мавжуд назарий-ҳуқуқий асослар ўрганилади, услугиёт муаммолари тадқиқ этилади, аналитик жадваллар тузиб таҳлил қилинади ҳамда мавзу бўйича тегишли хулосалар ва улар асосидаги тақлифлар назарий жиҳатдан асослаб берилади. “Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалари” фанидан 5231300 – Пенсия иши бакалавриат мутахассислиги ўқув режасида курс иши назарда тутилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мазкур фандан талабалар белгиланган мавзулардан бири бўйича мустақил таълим комплексини бажарадилар. Мустақил таълим комплексиди талабалар мавзуга оид қонунчилик шарҳини, пенсия таъминоти амалиётидаги услугий таъминотни, илмий ва махсус адабиётлар ҳамда бошқа манбалардаги материалларнинг, статистик маълумотларнинг таҳлилини қамраб олувчи тадқиқ намунасини бажаради, унинг натижаларини баҳолаш талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими талабларига мувофиқ амалга оширилади. Мустақил таълимга мўлжалланган топшириқлар маърузалар мавзулари, амалий машғулотлар мавзулари мазмунига мос келади. Мустақил таълим комплексини тайёрлаш жараёни талабанинг билим ва малакасига мос равишда унинг тадқиқ жараёни узлуксизлигини асослашга қаратилади.

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. Давлат ижтимоий сиёсатининг ривожланиш босқичлари;
2. Мустақиллик даврида давлат ижтимоий сиёсатидаги ўзгаришлар;
3. Давлат пенсияларининг тайинланишининг аҳамияти;
4. Ёшга доир пенсияларни тайинлашнинг хориж мамлакатлар тажрибалари;

5. Ногиронлини ижтимоий ҳимоялаш бўйича хориж мамлакатлар тажрибалари;
6. Боқувчисини йўқотганликда пенсиялар тайинлашнинг хориж тажрибалари;
7. Болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг хориж тажрибалари;
8. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни хориж тажрибаси;
9. Давлат ижтимоий сиёсатини такомиллаштириш масалалари
10. Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари
11. Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий интерфаол методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиа таълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўргазмани воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим амалий машғулотларни бажаришда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади. Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни шахсий компьютерда бажариш, диаграммаларни, электрон жадвалларни Excel дастури билан ишлаш орқали ёрқин намён этиш мумкин.

“Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар” фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида пенсия тизими фаолияти яқунларига оид шунингдек молия ва ғазначилик органларининг ҳисобот материаллари, пенсия таъминоти тизимини бошқариш органларининг Низомлари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари юзасидан режавий ва ҳисобот маълумотлари ва бошқа амалий материаллар, тегишли чизмалар, жадваллар, слайдлар, тарқатма материаллар билан таъминланади.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий

1. Қосимова Г.А. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма.–Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2007. -148 б.
2. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. - 202 б.
3. Хайтов А.А., Зиядуллаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. –Т.: “Адолат”. 2009. - 172 б.
4. Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.:Infocom. 2010.
5. Тухтарова. М. Пенсионные обеспечения граждан. Справочник для населения «NORMA» 2010г.

Қўшимча

6. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: Умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2010, 595 б.

7. Маликов Т., Ваҳобов Д.Р., Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2010, 660 б.

8. Хайдаров М., Сувонкулов А., Сугирбаев Б., Нурматов Б. “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими”. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”.2010 й.

9. Маликов Т., Жалилов Т., Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: Академнашр, 2011, 472 б.

10.Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати / Г.А. Косимова. - Т.: Тошкент молия институти, 2004. – 152 б.

11.Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ, 2003 – 320 б.

12.Интернет сайтлари:

www.mf.uz

www.gov.uz

www.lex.uz

www.stat.uz

www.budget.ru

www.uzreport.co

www.undp.uz

www.publicfinance.uz

